



КОМПОЗИЦИЯДА ЭСКИЗ БАЖАРИШ ОРҚАЛИ БАДИИЙ ТАСАВВУРНИ ОШИРИШ

Имоматова Умида Мирпулатовна

Чирчиқ давлат педагогика университети

“Тасвирий санъат ва амалий безак санъати”

йўналиши 2-курс магистранти

Аннотация: *Мазкур мақолада тасвирий санъат асарларини ишлашда эскизларнинг, айниқса композициянинг муҳим ўрни ҳамда аҳамияти ҳақида ёритилган.*

Калит сўзлар: *Тасвирий санъат, интеллектуал, педагогик таълим, иллюстрация, ноодатий композиция, графика, ассиметрия.*

Бугунги глобал ўзгаришлар, ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг инновацион ривожланиши жараёнида педагогика олий таълим муассасалари битирувчиларини бозор иқтисоди талабларига мос рақобатбардош кадр сифатида тайёрлаш масаласи тобора долзарблашиб бормоқда. Ҳозирги шароитда педагогик таълим тизимининг рақобатбардошлиги даражасини ошириш ва жаҳон стандартлари даражасига кўтариш муаммоси тобора кескинлашиб бормоқда. Бу муаммонинг ечимини топиш узлуксиз таълим тизимидаги барча соҳалар учун ҳам асосий вазифалардан ҳисобланади. Дунё цивилизацияси, инсониятнинг интеллектуал ривожланишида тасвирий фаолиятнинг алоҳида ўрни бор. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январ ПФ-60-сонли 2022-2026 йилларга мўлжалланган “Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегияси” тўғрисидаги фармони имзоланди. Бу стратегиянинг “Маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш” деб белгиланган 5-йўналишида айнан санъатимизда қатор янги ўзгаришлар кутилаётганини кўрсатади. Бу йўналишнинг мақсадларидан бирида “Тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн йўналишларини ривожлантириш, аҳолининг бадиий эстетик дидини юксалтириш” каби масалалар қайд этилган. Жумладан:

1. Атоқли Ўзбекистон халқ рассомлари ва амалий санъатни усталарининг наъмунали ҳаёти ва ижодини кенг тарғиб қилиш ҳамда улар хотирасини абадийлаштириш;

2. Ўзбекистон тасвирий ва амалий санъатини халқаро даражада оммалаштириш;

3. Тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн йўналишларида етук мутахассисларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш каби чора тадбирларни 2022-2026-йиллар ичида амалиётга тадбиқ этиш кўзда тутилган. Шу янги фармон ҳозирда долзарблик касб етаётган масалаларнинг ечимини топишга ва уларни хар томонлама ривожлантиришга ҳизмат қилади. Бу орқали бажарилган саъй-ҳаракатларимизни нафақат юртимизда балки, бутун дунёга кенг ёйишимизга катта куч манбаи бўлди десак адашмаган бўламиз.



Шундан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, инсоннинг ижтимоий фаолияти ибтидосидан бошлаб тасвирий санъат таълими ёш авлоднинг тасаввури, бадий тафаккури, маънавий дунёсини шакллантиришга муносиб хизмат қилиб келган. Санъат тарихида буюк рассомлар томонидан яратилган энг машхур асарлар жуда кўп изланишлар натижаси эканлиги барчамизга маълум. Шундан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, ҳар бир тасвирий санъат асари инсон маънавиятига кучли таъсир этувчи маълум маънодаги бир илмий-тадқиқот изланишидир ва жуда сермашаққат меҳнатлар самараси. Бу асарлар маълум бир композиция қонун-қоидаларига бўйсуниб яратилган бўлиб, уларда мукамал ғоялар мужассам.

Замонавий тасвирий санъат ўқитувчиси буни яхши тушуниши ва уни ёшларга мукамал етказиб бера олиши лозим. Бунинг учун аввало, тасвирий санъат асари яратилиш жараёни ҳақида аниқ тасаввур ва билимга эга бўлиши талаб этилади. Ижодкорларнинг маълум даражадаги билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиши унинг қандай даражадаги тасвирий санъат асарлари, турли композициялар яратишини белгилайди. Тасвирий санъат йўналишидаги рангтасвир ва композиция машғулотларида талабаларга турли композициялар бажаришида буюк рассомлар, рассом-педагоглар тажрибасидан унумли фойдаланиш зарур. Ўқувчиларга тасвирий санъатни ўқитишда амалий вазифани маълум изчилликда бажариш таълим сифатига ижобий таъсир кўрсатади.

Тасвирий санъатда бадий асар ёки унинг алоҳида қисмлари ғоясини акс эттирувчи дастлабки қоралама хомаки асар - эскизнинг аҳамияти катта. Эскиз - бу тасвирий санъатдаги расмнинг бир тури, асарнинг алоҳида қисмларининг дастлабки ғояси. Эскиз ёрдамида рассом асосий композицион вазифаларни ҳал қилади. "Эскиз" атамаси француз тилидан келиб чиққан бўлиб (frans. esquisse)- рассом ишламоқчи бўлган асари ёки тасвирнинг олдиндан қилинган тахминий иши деган маънони билдиради¹.

Эскизларнинг пайдо бўлиши Уйғониш даврига тўғри келади. Бизга Пиеро делла Франсесса (тахминан 1420-1492), Леонардо да Винчи (1452-1519), Микеланжело Буонарроти (1475-1564) Рафаел Санти (1483-1520), Тициан (1488/90 – 1576)ларнинг эскизлари етиб келган. Эскизлар туфайли Уйғониш даври рассомларининг яратмоқчи бўлган образлари кўринишини тасаввур қилиш мумкин бўлди. Баъзи санъатшуносларнинг фикрига кўра, таниқли кулранг сочли чол портети эскизида Леонардонинг ўзи тасвирланганлиғни кўрамиз. Тажрибали рассом ижодий ишида эскизгача ҳам бир нечта қораламалар бажариб, композициясининг энг маъқул варианты устида изланиш олиб боради. Бунда бўлажак асарнинг композицион ечими шаклларнинг фазовий кенгликда жойлашуви ва уларнинг ўзаро нисбатлари белгилаб олинади. Графикадаги эскизлар рангтасвирда уларнинг тасвирлаш воситалари сифатида хизмат қилади. Эскиз – эркин, тез қоралама тарзида бажарилади.

¹ Султанов Х.Э. Рангтасвир (Акварелда натюрморт ишлаш) // Ўқув қўлланма Т.:“VNESHINVESTROM” МЧЖ, 2019. 161 б.



Бу жараёнда рассом албатта, мувозанат, ритм, симметрия, ассиметрия каби рангтасвир композицияси ишлаш қонун-қоидаларини яхши ўзлаштирган бўлиши керак. Кўп ҳолларда эскиз мустақил асар даражасига кўтарилиш ва бадиий қийматга эга бўлиши ҳам мумкин. Эскизлар асосан ўлчами кичик ҳажмда бўлиб, унда рассомлар геометрик шакллардан фойдаланиб, қизиқарли ва ноодатий композиция яратишган. Бундай суратларга рассомнинг ғоясини ифодалайдиган бирор воқеликнинг тасаввурдаги ҳолатини акс эттирган асар учун бадиий изланишлар сифатида қаралади.

Тасвирий санъатда талабаларга бадиий асар композициясини яратишда назарий қонуниятларнинг ўрни, ўқитиш методикасини шакллантириш, жисм шаклларини масофадан кўриш ва тасвирлашни ўргатиш жуда муҳим.

Манзара композицияси ишлашда ўзига хос қонун қоидалари мавжуд бўлиб, ҳар бир форматнинг ўзи композиция ҳар эскиз композиция қонунларига асосланиб ишланган бўлиб, ассиметрия, ритм, тус жиҳатдан чиройли топилган. Ҳар хил техникалардан фойдаланиб эскизни туш қалам, ручка, ретуш, соус билан ишлаш мумкин.

Ижодкор учун композиция яратишда доимий равишда алоҳида деталлар, материаллар йиғиш талаб этилади. Масалан: ҳар хил кўринишидаги тошлар, ўт-ўланлар, бута ва дарахтлар, булутлар, тоғларнинг турли ракурсадаги чизмалари шулар жумласига киради. Манзарадаги умумий кўринишни тусларда ифодалаб, композицион кўриниш янада аниқлаштириб борилади. Кейинги босқичларда натурадан куннинг ҳар бир пайти тонг, шафак, туш ё кечки оқшом кўринишларидан ранглавҳалар ёзиш билан давом эттирилади. Бунга буюк ўзбек рангтасвир устаси Ўрол Тансықбоевнинг “Жонажон ўлка”, “Менинг қўшиғим”, “Оқшом” каби асарлари мисол бўла олади. Уларда ранг ечими орқали воқеликнинг умумий ранг тизими хусусиятлари, композициявий ечимлари, миллий колорит, орқа ва олдинги планлар маҳорат билан ажратилганлигини кўришимиз мумкин Шунинг эсан чиқармаслик керакки, рангтасвир асарини битиргунга қадар композицион кўриниш тинмай мукамаллаштирилиб борилади. Бунда табиатнинг ўзидан аниқ кўчирмасдан, ўйланган асар бадиийлаштирилиб, унинг мазмуни ва ғоясини бойитиб композицион яхлит кўринишга олиб келинади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, рангтасвир композицияси яратишни бадиий-тадқиқот ишига тенглаштириш мумкин. Чунки, ҳар қандай асар ўзига хос, ижодкорнинг қалб кўри билан яратилган бетакрор ижод маҳсули демакдир. Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчилари манзара жанрида композиция эскизи ишлаш методикаси, уни бажариш кетма-кетлиги ва босқичлари тўғрисида етарли билим, кўникма ва малакага эга бўлиши зарур. Тасвирий санъат асарларини кузатганда ундаги ҳар бир образнинг психологик кечинмалари қандай ечилганлиги, уларнинг теварак-атрофга бўлган муносабатини тўғри кўрсатиб бера олиш ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Шунинг учун рассом композицияда ранглар жилоси, воқеликни ишонарли тарзда тасвирлаши муҳим. Рассом ҳар бир асар учун унга хос ранглар ечими, ўлчам, формат



танлаши ўз ижодий маҳоратини тўлароқ намоиш этишига ёрдам беради. У картинасида ҳар бир шакл хусусияти, умумий колорити, тасвирланаётган юзанинг характериға (масалан, холсть юзасининг силлиқлиги ёки ғадир-будурлигиға) ҳам эътибор бериши, улар нима учун айнан шундай олинганиға жавоб топишға ҳаракат қилиш зарур. Шундагина тасвирий санъат асарларининг асл моҳиятини тушуниб етиш ва уларни тўғри таҳлил қила олишни ўрганиш мумкин. Тасвирий санъатни қанчалик даражада ўрганмайлик, унинг охиригача етиш мушкул масала бўлиб қолмоқда. Ушбу фанни ўқитишда турли методлар ва усуллардан фойдаланиб келинмоқда. Тасвирий санъат дарсини ўқитишда ёшларнинг тасаввурини, тафаккурини ривожлантиришға ҳаракат қилиш лозим. Биз ёш авлод тасвирий санъатни янада дунё миқёсида чўққиларға чиқариш йўлида курашмоғимиз ва доимий ҳаракатда бўлишимиз шарт ва зарур. Буюк аждодлар бебаҳо меросини асраб-авайлаб, келажак авлодға етказиш, замонавий тасвирий санъат дурдоналари орқали сайёҳлар онгида буюк давлатимиз тарихини мужассамлаштиришға эришиш зарур. Маданий мерос ва миллий туризм фақатгина иқтисодий даромад манбаи сифатида емас, балки миллий тасвирий санъат тарихи тарғиботчиси сифатида ҳам эътироф етилишиға сабаб бўлади. Бугунги кунда тасвирий санъат машғулотларини такомиллаштириб борилиши ва дарслар самарадорлигиға эришишнинг қатор методик асослари ишлаб чиқилмоқда. Композиция ишлашда эскизлар бажариш орқали ижодкорнинг бадиий тафаккурини ошириш, тасаввур оламини кенгайтириш, ижодий фикрлашини янада бойитиш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Султанов, Х. Э., Марасулова, И. М. Ижодий тўғараклар орқали ўқувчи-ёшларнинг маънавий тарбиясини шакллантириш // The journal of academic research in educational sciences. volume 1, ISSUE 2 october 2020. Page 391-398.
2. Султанов Х.Э. Таълим муассасалари ҳамкорлигининг кластерли моделини ташкил этиш // «Муғаллим ҳам ўзликсиз билимлендириў» № 3-2 Нөкис — 2021. 73-76 б.
3. Султанов Х.Э. Рангтасвир (Акварелда натюрморт ишлаш) // Ўқув қўлланма Т.:“VNESHINVESTROM” МЧЖ, 2019. 161 б.
4. KE Sultanov Cluster Approach in Fine Art Education as a Factor for Improving the Educational System /International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding// Volume 9, Issue 2 February, 2022 Pages: 585-593 2022;
5. Doston Abduvoitovich Berdiyev/ Maktablarda tasviriy san'at fanini o'qitishda kelajak ta'limi steam interaktiv ta'limini rivojlantirish / "Science and Education" Scientific Journal/ ISSN 2181-0842 February 2022// Volume 3 Issue 2 Pages: 687-690;
6. Бердиев Д.А., Султанов Х.Э. Тасвирий санъатда кластер ёндашуви сифатида стеам таълимини татбиқ этиш // Интернаука/ 2022.4.23. Том 7 №15, стр. -13-14;



7. Laylo Mirsoatova/ Use of innovative methods in the development of students' creative abilities / Current research journal of pedagogics (ISSN –2767-3278) volume 03 issue 01Pages: 45-49;

8. Султанов Х.Э. Тасвирий санъатнинг ўқувчилар интеллектуал-ижодий салоҳиятига таъсири // замонавий таълим / современное образование 2022, № 9. -50-57 б.

9. Султанов Х.Э., Бойназарова Н.Х., Бердиев Д.А., Мирсоатова Л.Ў., Маматкаримова М.Т. Кластер ҳамкорлигида ижодий фаолиятни ташкил этишнинг ўқувчилар маънавий-ахлоқий тарбиясидаги аҳамияти //“Yangi o‘zbekistonda pedagogik ta’lim innovatsion klasterini rivojlantirish istiqbollari” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari /may 1-qism SHIRCHIQ – 2022. 613-620 б.

10.Imomatova U., Nutfullayev M. Tasviriy san’at darslarida yoshlarga o‘zbek milliy tasviriy san’atni o‘qitishning psixologik asoslari //Proceedings of International Conference on Educational Discoveries and Humanities/ -2023: 2(2), -204-207 б.

11. F. Bozorov. Ijodiy to‘garaklarda yoshlarni tasviriy san’atdan tavirlash malaka va ko‘nikmalarni shakllantirish metodikasi - Science and Education, -2022: 130-136.

12.Imomatova, U. (2022). Mustaqillik tasviriy san'atning ishlab chiqarish tendensiyalari. Fan va ta'lim , 3 (8), 175-182.